RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 27 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 102 (7297)

**Da'vat**

***Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир.***

**ЭПИКТЕТ**

**Ibrat**

***Галлаорол туманидаги "Ёнбоштут" фермер хўжалиги раиси Асад Убайдуллаев 250 минг сўм пул сарфлаб, А.Набиев номидаги мактаб биносини шахсий маблағи ҳисобидан газлаштириб берди. Туманда йил давомида ана шундай ҳомийлик ва оталик ёрдами сифатида 77 миллион сўмлик маблағ эвазига бир қатор илм даргоҳлари таъмирланди.***

**Anjuman**

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН



Фан ва техника давлат қўмитасининг кўргазмалар залига кирган кишининг кўксини фахр-ифтихор туйғуси эгаллайди. Ўзбекистон олимларининг иқтисодиёт, табобат, қишлоқ хўжалиги, техника, саноат ва бошқа соҳалардаги ютуқларига бағишланган кўргазмаси бу ерда "Ўзбекистон фани XXI аср бўсағасида" мавзусидаги илмий-назарий анжуманнинг ўтказилиши муносабати билан ташкил этилган эди.

Анжуманда Ўзбекистон фанининг бугунги кундаги ютуқларига тегишли вазирликлар ўз муносабатларини билдиришди. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Маҳмудхўжаев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров ва бошқа мутасадди ташкилот раҳбарларининг маърузаларида бугуннинг таҳлили, эртанинг режаси кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, фани ривожланган мамлакатнинг ҳаёти ҳар жиҳатдан бекаму кўст бўлади. 2000 йилнинг 8 мартида ўтказилган Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияси танловига Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия, Макроиқтисодиёт ва статистика, Ташқи ишлар вазирликлари, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Почта ва телекоммуникация агентлиги, Ўзбекистон темир йўллари ДАК, Банклар ассоциациясидан 53 нафар даъвогар аспирантнинг ҳужжатлари тақдим этилган эди..

Фан ва техника Давлат қўмитаси саралаш босқичларининг барчасидан ўтган 5 нафар иқтидорли аспирантни давлат илмий-техника сиёсатининг 5 та устувор йўналиши бўйича Ўзбекистон Президентининг 2001 йилги Давлат стипендиатларини тасдиқлади.

Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш соҳасида Анваржон Аҳроров, агросаноат мажмуаси бўйича Юрий Прихотко, энергетика, ресурслар, саноат соҳалари бўйича Нигора Сафаева, соғлиқни сақлаш ва экология бўйича Шаҳло Боқиева, ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув соҳаси бўйича Алимжон Ибрагимовлар ана шундай иззат-икромга лойиқ деб топилди. Йўналишлар турлича, аммо мақсад битта: "Бизнинг билимимиз, ақлий куч-қувватимиз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учундир".

Кашф этиш қобилиятига, салоҳиятига эга бундай ёшлар юртимизда минглаб, миллионлаб. Зотан, аждодлари мутафаккир, фозилу фузало ўтган миллатимиз ёшларига қай биримиз ҳавас билан, эътиқод билан боқмаймиз?

Олимларни ўтмишда ҳам ардоқлашган. Улар зиёлилар қатламининг барча бирдек ҳавас ва ҳурмат билан муносабатда бўладиган вакилларидир. Бугунги кунда ҳам улар худди шундай эътиборга сазовор.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этиб, ғолиб аспирантларга дипломлар топширди.

**Ҳ. ТЎЙМАНОВА**

**Суратда: Президент стипендиатлари.**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

***Суннатулла РИЗАЕВ,***
***Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти, "Иқтисодчи" газетасининг муҳаррири:***

— Ўтаётган XX асрнинг, айниқса сўнгги ўн йиллиги асрларга татигулик ўзгаришларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, биргина китоб чоп этиш ишлари борасида айтадиган бўлсак, собиқ Иттифоқ даврида олий таълим ўқитувчиси бир йилда битта иш (монография) ёки ўқув қўлланмаси чоп этиши, у ҳам истиқбол режасига киритилган бўлиши шарт эди. Нашр ишингиз бир йил аввал тегишли нашриётга топширилиши ҳам қатъий талаб этиларди. Умуман, бир кишининг бир йилда учта-тўрттаҳлаб китоб ёзиб, нашр этишини тасаввур қилиб бўлмасди. Эндиликда-чи? Марҳамат, қанчалик кўп меҳнат қилсангиз, ўшанчалик роҳатини кўраверасиз. Ишбилармонлик ва тадбиркорликка жуда кенг имкониятлар очиб берилдики, буларга кўп-кўп шукроналар айтмоқ даврида яшаяпмиз. Ҳозирдаги имкониятлар ва эркинликларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди, асло.

1993 йил 2 сентябрда республикамизда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 24 августда "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари"нинг тасдиқланиши муносабати билан Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши борасида, яъни аҳолимиз саводхонлигини таъминлашда бир қатор дастурлар, ўқув қўлланмалар, режалаштириш, ўқув дидактик ҳамда кўргазмали материаллар (график қўлланмалар) чоп эттиришга муваффақ бўлдим. Кундалик ўқитувчилик фаолиятимдан ташқари, сўнгги 5-6 йилнинг ўзидагина ўн беш номдан зиёд ўқув қўлланмалари яратиб, шунингдек, илмий журналлар, тўпламларда элликдан зиёд номдаги илмий-методик мақолаларимнинг чоп этилганлиги мустақиллик шарофатидан. Ҳозирда кимки астойдил ва ҳалол меҳнат қилса, унинг албатта, самараси ўлароқ, моддий манфаатдор бўлиши муқаррардир.

Янги XXI аср — компьютер техникаси асри, юксак тафаккур асри, фан ва техниканинг жадал тараққиёт асри, тинчлик асри, ишбилармонлар ва тадбиркорлар асри, хусусийлаштиришнинг кенг қулоч ёйиш асри, ўткир ақл-заковатли, фаҳм-фаросатли ва зукко ёшлар асри бўлишига ишончим комил.

***Даврон АЗИЗОВ,***
***ЎзДЖТУ 1-курс талабаси:***

— Ҳаммамиз, энг аввало, мустақилликни тилга олаяпмиз. Бу, табиий. У бизга кўп нарса берди, кўп нарсани ўргатди. Эндиги вазифа шахс мустақиллигига эришиш деб қўйилаяпти. Ва бунга эришиш йўллари Президентимиз, олимларимиз, устозларимиз томонидан кўрсатиб берилмоқда. Шундагина халқимиз фаровон, озод турмушга эришади. Буёғини биз ёшларга қўйиб бераверинг.

**Prezident archasi**

# ЭНГ АЖОЙИБ КУН БЎЛАДИ

**Ўтган бир неча йил мобайнида Янги йил байрами кунларини, айниқса меҳрибонлик уйлари болалари интизорлик билан кутадиган бўлди. Тўғри, меҳрга ташна болаларнинг йил давомида бахтиёр кечган кунлари, қувноқ лаҳзалари ҳам бисёр, лекин Янги йил байрами, энг ажойиб кун бўлади. Шу кунлари анъанага кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари учун арча байрами ўтказилади. Байрам иштирокчилари бўлган болажонларга Президент совғалари улашилади. Кутилаётган шодиёналар ҳар йилгидан ўзгача бўлса, ажабмас. Чунки, саховатпеша халқимиз муборак рамазон ойини ажиб бир тозариш билан кузатиб, янги асрга, янги минг йилликни қутлуғ ниятлар билан кутиб олмоқда. Шукроналик ҳиссидан таскин топган инсонлар, болапарвар ҳомийлар, меҳридарё одамлар Президент арчаси атрофидаги шўх куй-қўшиқлар оғушида яйраётган болаларга беминнат совға-саломлар улашиш истагида яшаяпти.**

**Бу йил мамлакатимиз узра ўтказиладиган "Президент арчаси" тантаналарининг бош саҳнаси пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройи бўлса-да, байрам томошалари барча вилоятларда, туманларда давом этади.**

**Биз ҳам жойлардан «Президент арчаси» байрам кечалари хусусида ахборотлар бериб боришни режалаштирганмиз.**

**Ўйлаймизки, байрам тадбирлари ўз моҳиятига кўра саховат, меҳр-мурувват, оқибат ифодаси бўлиб қолади. Янги асрда ҳам байрамларимиз кўп, болаларимиз шодон бўлади.**

**Ф.КАРИМОВ**

**Aks-sado**

# ФАОЛ БЎЛИШИМИЗ ШАРТ

Математика фанида икки тўғри чизиқ фақат ва фақат бир нуқтада кесишади, деган тушунча бор. Ушбу фикрни "Маърифат" (2000 йил 25 ноябрь) газетасида эълон қилинган "Кадрлар тайёрлаш ва миллий истиқлол ғояси" мақоласини ўқиб яна бир бор эсладим. Дарҳақиқат, мақола муаллифи педагогика фанлари доктори Ш.Қурбонов "Айнан шу буюк мақсад жамиятнинг барча ижтимоий тоифалари ва гуруҳлари, ҳаракатлар ва партиялар, Ўзбекистоннинг барча халқини бирлаштира олади", дея таъкидлаб, "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" ғоясини амалга оширишда етакчи имконият мавжудлигини ва уни жамиятга татбиқ этишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг шахсларга тегишли ўрни ва ролининг ижтимоий-сиёсий жараёнга киришиш, муносабат билдириш ҳамда ўзига масъулият олиш каби 3 та жиҳатини батафсил, кенг қамровли асосда ёритган. Шундан сўнг муаллиф мазкур жиҳатларни шахсда шакллантиришнинг кўп босқичли истиқболли вазифаларини белгилаб беради. Шунингдек, муаллиф мақолада фуқаролик асосларини шахсда шакллантириш учун таълим жараёнини дифференциациялаш муаммосининг долзарблигини таъкидлаб ўтади. Бунинг учун шахсни тарбиялашдаги омиллар таъсирини кучайтириш аҳамияти кўрсатилади. Айниқса, шахсни тарбиялашдаги таъсирларнинг сусайганлигида малака ошириш, педагогларни қайта тайёрлаш тизимини изчил изга солиш ва аҳамиятини кўтариш муҳимлиги ҳам ўз ўрнида тавсия этилади.

Кадрлар тайёрлаш механизмининг узлуксизлигини ижтимоий соҳасиз ва шу соҳада олиб бориладиган тадқиқотсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслиги ҳамда бунда ислом ва бошқа динларнинг таъсири борлиги мақолада батафсил ёритилади.

**(Давоми 2-бетда)**

# JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ў.Султонов раислигида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича бўлиб ўтган ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилишида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳолати, ўзаро ҳисоб-китоблар, шунингдек, республика вазирликлари ва идораларининг иш ҳақи бўйича қарзларига оид масалалар муҳокама қилинди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.**

**• Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, мазкур музей ҳамда ИИВ академияси ҳамкорлигида илмий-амалий анжуман ўтказилиб, унда тарихшунос олимлар, академия ходимлари, талабалар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.**

**• 1998 йилдан буён республикамизда фаолият кўрсатиб келаётган АҚШнинг "Инсонпарварлик ёрдами дастури"нинг ҳозиргача Ўзбекистон аҳолисига кўрсатган ёрдами 14 миллион доллардан ошиб кетди.**

**• БМТ Хавфсизлик Кенгашида Фаластин мухториятининг босиб олинган ерларига халқаро тинчлик кучлари ва полиция кузатувчиларини киритиш ҳақидаги резолюция қабул қилинмади.**

**• АҚШ—Европа Иттифоқи саммитида иштирок этган АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий Вашингтон билан ЕИ ўртасида айрим масалаларда қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса-да, ўзаро ҳамкорлик ҳолатини ижобий баҳолади.**

**• Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи Покистон билан ўзаро алоқаларни барқарорлаштириш юзасидан музокара ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.**

# ҚИШКИ ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

***Мана, барчамиз янги йил, янги аср остонасида турибмиз. Байрам арафасида кимдир уй юмушлари билан банд бўлса, яна кимдир бошланажак минг йилликни ҳар йилгидан ўзгача кутиб олиш тараддудида. Айниқса мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар байрамни ўтказиш учун ҳаммадан кўпроқ тайёргарлик кўришмоқда. Чунки улар байрам олдидан таътилга чиқишади.***

***Бугун-эрта ўқувчилар қишки дам олишни бошлайдилар. Хўш, шундай экан, ёшларимиз асрнинг энг сўнгги таътилида қандай ҳордиқ чиқаришлари мумкин? Бунда жойлардаги ишлар қандай ташкил этилмоқда? Бу борада тегишли ташкилотлар ўқувчиларни дам олиш масканларига жалб этиш мақсадида қандай тадбирларни амалга оширмоқда? Биз шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида таътил учун масъул бўлган кишилар билан бевосита суҳбатда бўлдик.***

**Шавкат НАЗАРОВ — Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази директори:**

— Бизнинг марказ ўқувчиларнинг қишки таътилларини мазмунли ўтказиш учун кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирга қадар Тошкент шаҳрига болаларни саёҳатга олиб келиш учун республикамизнинг кўпгина вилоятларидан буюртмалар тушган. Жумладан, Хоразм вилоятидан 100 нафардан 200 нафаргача ўқувчилар келиши кутилмоқда. Уларнинг бир қисмини 31 декабрдан 2 январгача кутиб оламиз. Ташриф буюрган ўқувчилар билан саёҳатлар уюштирамиз. Қолган 100 нафар ўқувчилар 2 январдан 5 январга қадар тадбир дастурига мувофиқ пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар.

**(Давоми 4-бетда)**

# РЕЙТИНГ: ИЖРО ВА ТАКЛИФ

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия соҳасига жорий этилаётган янгиликлар талайгина. Бунга мисол қилиб Халқ таълими вазирлигининг "Умумий ўрта таълим муассаса(мактаб)лари ўқувчиларининг билим даражасини назорат қилишнинг Рейтинг тизими тўғрисида"ги муваққат Низомини олишимиз мумкин.

Бу муваққат Низомнинг барча бўлимию пунктларида ҳам ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг умумий қоидалари ва йўналишлари тушунарли баён қилиб берилган. Ҳамма масала ушбу қоида ва йўналишларни ўқувчилар билан ҳамкорликда мактабларимиздаги қайноқ ҳаёт оқимига қандай тадбиқ этишимизга боғлиқ бўлиб қолди. Зеро, ҳар томонлама ривожланиб келаётган ёш авлодни замон талабига мос билимли, фикр доирасининг кенг қамровли бўлиши доимо ота-оналару ўқитувчиларнинг орзуси бўлиб келган. Шу жиҳатдан қаралганда таълим соҳасини ислоҳ қилишда рейтинг тизимининг аввалги баҳолаш тизимидан афзаллик томонлари мавжуддир. Биз ўқитувчилар бу тизим Низоми қонун-қоидаларини ундай экан, бундай экан деб муҳокама қилишдан йироқ бўлиб, уни тўла ўрганиб чиқиб мактаб ҳаётига тадбиқ этишимиз лозим.

Хўш, рейтинг тизими билан ўқувчи билим даражаси сифатини ошириш ва уни аниқлаш нималарга боғлиқ, ўқувчининг интилишигами, ўқитувчининг ҳаракатию ижодкорлигигами, ва ёки ота-онанинг мактаб ҳаёти билан узвий алоқасигами?

**(Давоми 2-бетда)**

**Бошланғич синфга эътибор керак**
*2-бет*

**Мубталолик**
*2—3-бетлар*

**Аҳиллик ғалаба келтирди**
*4-бет*

### ҲАЙВОНЛАР СЕЗГИРРОҚ

**Маълумки, зилзилани олдиндан айтиш борасидаги барча тадқиқотларнинг асоси, аксарият ҳолларда тахмин ва фаразлардан иборат бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқинлашиб келаётган зилзилани олдиндан сезиш борасида айрим ҳайвонларнинг жисмоний сезгирлик кўлами инсон сезгисидан юқоридир. Лекин, ҳайвонлар силкинишни маълум бир шароитда бўлсалargина олдиндан сеза оладилар. Олимлар зилзилани ҳайвонлардан кўра сезгирроқ, ишончли қайд этувчи асбоб яратиш мумкинлигини айтишмоқда.**

### БИОТЕХНОЛОГИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Яқинда Лос-Анжелесдаги (АҚШ) Цедарс-Синай тиббиёт маркази тадқиқотчилари ҳайвонлар устидан тажриба ўтказиб, маълум турдаги жигар ҳужайраларини сунъий муҳитда ўстирдилар, кейин уни касалланган аъзога кўчириб ўтказилганда жигар яна соғайиб ўз вазифасини тўлиқ бажара бошлади. Ҳозирда дунёнинг бир қатор биотехнология лабораторияларида сунъий ичак, қовуқ, турли секреция безларини яратиш устида тажрибалар ўтказилмоқда.**

# Ўқитувчи ён дафтарига

### ЭҲРОМЛАРНИНГ ЯНА БИР СИРИ

**Миср эҳромларини биламиз. Аммо, дунёнинг бошқа бурчакларида ҳам шундай эҳромлар мавжуд: Мексика эҳромлари, Пасха ороли ва Англиядаги Стонхенж мажмуаси, Тибетнинг асосий эҳроми — Кайлас, шунингдек, қадимий обидалардан бири ғарқ бўлганлиги тахмин қилинаётган Бермуд учбурчаги... Ер куррасида бетартиб сочилиб кетгандай туюладиган бу сирли ҳилқатлар аслида қатъий математик тизим асосида жойлашганлиги маълум бўлди. Масалан,Кайласдан Ернинг қарши томонига ўқ ўтказилгудек бўлса, у тўғри тош санамларга бой Пасха оролидан чиқади. Мутахассислар эҳромларнинг бу боғланишини ҳали аниқ изоҳлай олганларича йўқ.**

### МУЗЛАТГИЧНИНГ ИЛК АЖДОДИ

**1802 йилда вашингтонлик Томас Мур муз сақланадиган бўлим, иссиқликни ўтказмайдиган мослама, таглик ҳамда муз эришидан ҳосил бўлган сувни чиқариб юбориш учун найчадан иборат бўлган музшкаф учун патент олди. Бу музшкаф XX асрнинг 50-йилларига қадар хизмат қилиб келди. Бундай музлатгич учун музни одатда узоқ шимолга бориб, дарё ва кўлларда тайёрлаб келишган. Маълум бўлишича, биргина 1872 йилда шу мақсад учун қутб кенгликларидан денгиз орқали 25 миллион квадрат метр муз олиб келинган экан.**

*Биз болаларни шундай тарбиялашимиз керакки, улар ҳар бир вазифани пухта, ўз вақтида соф виждон билан бажарадиган бўлсинлар.*

*Зеро, баҳолашнинг Рейтинг тизими пировард натижада таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.*



# ФАОЛ БЎЛИШИМИЗ ШАРТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

*Таълим мазмунини ислоҳ қилиш ўқув адабиётларига тамомила боғлиқ эканлигини мақола муаллифи алоҳида таъкидлаб ўтади. Яширишга ҳожат йўқ, эски ўқув адабиётларимиз мазмунан жуда илмий бўлиб, ўқувчининг ўзлаштиришида анча қийинчиликларни, зерикишларни келтириб чиқарарди. Ҳатто айрим ўқув адабиётлари ўқитувчининг ўзлаштириши учун ҳам анча мураккаб эди. Бугунги ёзиладиган янги дарсликларимиздан ўқувчиларимиз эркин, қизиқиб, илмий мушоҳада билан фойдаланишса, мақсадга мувофиқ бўлади.*

*Бизнингча, мақолада кўрсатиб ўтилган таклиф сифатидаги фикрлар илмий жиҳатдан асосланганини боис, уларни амалиётга татбиқ этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бугунги кунда кадрлар тайёрлашга киришган айрим кадрларда ҳам ўзига хос етишмовчиликлар борлигини таъкидлаш ўринлики, бундай кадрларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, давлатимизнинг қонунлари, қарорлари ва меъёрий ҳужжатларини англаш, тушуниш ҳамда амалиётга жорий этишдаги камчиликлари асосий муаммо ҳисобланади. Шунингдек, кадрларнинг қатъийлиги, талабчанлиги ва, энг ачинарлиси, тафаккур саводхонлигининг ижтимоий муҳитдан, ўзининг меҳнат жамоасидан йироқлиги ҳам борки, бу ҳолат ҳам кадрлар тайёрлашда тугатилиши лозим бўлган хусусиятлардан биридир.*

*Умуман, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичларида ҳар биримиз ўз ўрнимиз ва масъулиятимизни ҳар қандай амалий ҳаракатимизда эътиборга олсак, ўз маслагимиз йўлидаги бир бутунлик тезроқ ўз ифодасини топа боради. Шунинг учун ҳам таълим мазмунига ислоҳотни олиб киришда жамоатчилик, оила, таълим муассасасининг вакили сифатида ҳар биримиз қайғуришимиз, фаол бўлишимиз шарт. Қайсики, мустақилликнинг муҳим мезони — кадрлар салоҳияти ва уларнинг имконият даражасига боғлиқ эканлигини доимо ёдда сақласаккина таълим ислоҳотлари умуммамлакат иши сифатида ижодий ечим топа боради.*

**Қаюм БОЙМИРОВ,**
**педагогика фанлари номзоди**

## ЭЛЧИХОНАДА УЧРАШУВ

**Яқинда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Мамдух Шавқи билан матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги иқтисод, маданият, таълим, ҳуқуқ соҳаларидаги алоқалар ва элчихона фаолияти ҳақида сўз юритилди.**

**Миср Ташқи ишлар вазирлигига қарашли МДҲ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик қилувчи Миср фонди ташкил этилиб, Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, пахта ва унинг касалликларига қарши курашишга оид махсус таълим марказлари очилди.**

**Келажакда иқтисодий соҳалар бўйича ҳам жуда кўп ишлар режалаштирилганлиги ва икки давлат алоқалари янада равнақ топиши айтиб ўтилди.**

**Дилфуза ТОШКЕНБОЕВА**

# РЕЙТИНГ: ИЖРО ВА ТАКЛИФ

Jarayon

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қатъий қилиб айтиш мумкинки, юқоридаги омилларнинг маълум даражада уйғунлашуви билангина бу тизимда юқори, кутилган натижаларга эришишимиз мумкин.

Мактабимиз жамоаси 1999-2000 ўқув йилида Республика Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 29 июлдаги 136-сонли буйруғи билан Рейтинг тизими бўйича тажриба-синов майдони этиб тасдиқланган эди. Мана, ҳозирда анчагина афзалликларга эга бўлган ягона вариант билан ишламоқдамиз.

Биринчидан, "Янгисини қурмасдан, эскисини бузманг" деган ибратли фикр асосида жорий назоратда 5 балл тизими сақлаб қолдирилган. Бу ўқувчиларга ва айниқса, ота-оналарга зарурий билим даражасини аниқлаб олиш учун айни муддаодир. Иккинчидан, ўқувчиларнинг чорак давомида олган балларини аввалгидек ўрта арифметик қийматини топиш ёки формула ёрдами билан эмас, осонлик билан фақат йиғиндисини топиш мумкин. Учинчидан, ўқувчининг чорак давомида тўплаган баллари асосида аввалдан тайёрлаб қўйилган жадвал асосида даражаларни ҳисоблаш мумкин. Тўртинчидан, назорат куни маълум сабабларга кўра баллар ололмаган ўқувчилар кейинчалик ўша кунги назоратни топшириб, тўлдирувчи балл билан баҳоланишлари мумкин. Бешинчидан, оралиқ назорат учун ажратилган "10" балл барча фанлардан бир хил бўлгани жорий назорат каби ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар учун қулайлик келтирмоқда. Олтинчидан, фанлар бўйича якуний назоратлар ҳар чоракда ўтказилиши мажбурий ҳолдан чиқарилиб, дастури тугаётган фан учун йил ўртасида ёки йил якунида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлганлиги айни муддао бўлди, акс ҳолда барча фанлардан ҳар чорак сўнгида якуний назорат ўтказилиши кўпчилик ҳолларда кўзбўямачиликка айланиб, ўқувчилар ўртасида ўқитувчиларнинг ҳам, рейтинг тизимининг ҳам ҳурматсизланишига сабаб бўлмоқда эди. Чунки якуний назорат чорак сўнгида ўтказилади. Унда ўқувчилар бироз толиқишган бўлишади. Лекин, афсуски, якуний назоратнинг бали юқори — 20, 30 балл. Келмаган, балл тўплай олмаган ўқувчилар учун эса баъзи ўқитувчилар бу балларнинг бир қисмини қўшиб ёзишга мажбур бўладилар.

Ҳозирда қўлланилаётган бу тизим ҳақида кўплаб ижобий фикрларни билдиришимиз мумкин. Шу ўринда, баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Аввало, рейтинг тизимини назарда тутган ҳолда барча ўқув фанларидан тақвимий-мавзуий режалар, тестлар тўплами, турли методик тавсия ва қўлланмалар яратиб берилса яхши бўлар эди.

Ва яна чоракдаги назоратлар сони бир ёки икки донага камайтирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Гап шундаки, рейтинг тизими билан ишлаётган ўқитувчиларимиз бу янги тизимни ўзлаштиришлари, фанларига осонлик билан тадбиқ этиш услубларини ишлаб чиқишлари, ўқувчиларга тестлару ёзма ишлар тузиб, тизим шаклларини ижод қилишлари, улардан анчайин меҳнат талаб қилиб, толиқтириб қўймоқда. Демоқчимизки, фанлар бўйича дискетларга назоратлар учун тестлар ёки савол-топшириқлар тайёрлаб борилса-ю, мактаблардаги дастурчи-операторлар кўмагида ўқувчилар билимлари баҳоланса, ўқитувчиларимизга енгиллик яратилган бўларди.

Ўйлаймизки, юқорида билдирилган фикрлар рейтинг тизимининг тутган мавқеига таъсир кўрсатмайди, билъакс фидоий маорифчиларимиз тажрибалари асосида сайқалланиб келаётган бу тизим билан кутилган натижаларга эришилади. Зеро, баҳолашнинг рейтинг тизими пировард натижада таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Муборак РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Раҳматилла КАРИМОВ,**
**Абутолиб АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчилари**

## "ИСТЕЪДОД — 2000" ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси "Ёшлар" телеканали билан ҳамкорликда "Истеъдод — 2000" телевизион танловини эълон қилганидан кўпчиликнинг хабари бор. Истеъдодли ёшларни излаб топиш, навқирон авлод онгига истиқлол ғояларини сингдириш ва уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган ушбу танлов ўтган вақт мобайнида талай истеъдод эгаларини кашф этди.

Куни кеча ана шу танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган, илк босқичларда муваффақиятли иштирок этган иқтидорли ёшлар вокал-чолғу, рақс ва қўшиқ йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

—Иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаш жуда қийин кечди. Уларнинг ҳар бири алоҳида олам. Ана шу ёшларнинг борлиги кишида эртанги кунга нисбатан ишонч уйғотади, — деди биз билан суҳбатда ҳакамлар аъзоси, "Камолот" жамғармаси бошқаруви матбуот котиби Акбархон Магдиев.

Танлов сўнгида ғолиблар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шерзод МУҲАММАДИЕВ**

## ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Maktabgacha ta'lim

Маълумки, таълимнинг илк босқичи болалар учун мактабгача ёшда бериладди. Бу давр, таъбир жоиз бўлса, таълимга пойдевор қўйиладиган муҳим палладир. Демак, пойдевор қанчалик пишиқ-пухта қўйилса, иморат ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Буни тўғри англаган Зомин тумани таълим ходимлари кейинги вақтларда таълим-тарбиянинг илк, муҳим босқичига алоҳида эътибор билан қарамоқдалар.

"Туманимиз мактабгача таълим муассасаларида турли тадбирлар ўтказиб туриш одат тусига кириб қолган, —дейди туман халқ таълими бўлими услубчиси Муборак Саримсоқова. —Айниқса, болажонлар иштирокида танловлар, беллашувлар мунтазам ўтказилиб турибди. Яқинда шундай тадбирлардан 7-болалар боғчасида "Билимдонлар баҳси" ва 8-мактабгача таълим муассасасида "Топқирлар ва чаққонлар" беллашувлари ўтказилди. Ҳар иккала тадбир ҳам жуда кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Айтиш лозимки, бу каби тадбирлар болаларнинг боғчаларда кечадиган вақтларини ранг-баранг қилиш билан бирга, уларни келажак ҳаётга тайёрлашда, ўзаро аҳиллик руҳини сингдиришда, ақл савиясини оширишда, бир сўз билан айтганда, болаларнинг илк таълим-тарбиясини яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда".

Айни кунда туман боғчаларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлида олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Бу борада "Наргиза" номли 7-болалар боғчаси (мудира Холида Дониёрова) томонидан қилинаётган ишларни мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин. Боғча маъмурияти фойдаланиш учун хўжаликдан 1 гектар ер майдони олиб, унга макка, полиз ва сабзавот экинлари экмоқда ва олинаётган даромад боғча эҳтиёжи учун самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, бу йил боғча жамоаси экин майдони ҳисобига 120 минг сўм соф даромад топди ва ушбу даромад ҳисобига боғча биносини кўнгилдагидек қилиб таъмирлаб олди ҳамда болалар учун янги-янги ўйинчоқлар харид қилди. Улар келгусида ўз моддий имкониятларини янада кенгайтириб, болажонларга янада яхшироқ шароит яратиб бериш ниятидалар. Қисқача айтганда, туманнинг барча мактабгача таълим муассасаларида бугунги кунда янгиликка интилишни, изланишни кузатиш мумкин.

**И.БЎРИБОЕВ**

# БОШЛАНҒИЧ СИНФГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Ta'kid

*Боланинг китобга бўлган муносабати шаклланишида бошланғич тарбиянинг ўрни ғоят муҳим. 1-синфдаёқ иқтидори бор, қобилиятли бола ўзини намоён қила бошлайди. Бу вақтда у ўта қизиқувчан, интилувчан ва тез қабул қилувчан бўлади. Шундай экан, бошланғич синф ўқувчиларига билим беришда ниҳоятда зийраклик, хушёрлик талаб қилинади. Зеро, ёш бола тўғри фикрни ҳам, нотўғри фикрни ҳам ўз дунёқараши доирасида шакллантириб, онгига сингдириб боради. Дейлик, бир синфда 30 ўқувчи бўлса, уларда 30 хил дунёқараш, ўттиз хил характер бўлади. Ҳар бирининг қалбига йўл топиш, кун бўйи 30 хил қиёфада болалик оламида юриш ўқитувчига улкан масъулият юклаши табиий. Боладаги маънавий-ахлоқий қарашлар, таълимга бўлган кўникма илк мактаб ёшида шаклланади. Бу эса, унинг боғчадаги тарбиясига ҳам боғлиқ. Оиладаги тарбиядан анча фарқли тарзда боғчадаги тарбия бола онги шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Боғчадан мактабга борган бола ўзини дадил тута олади. Бу хусусиятлар ўқитувчига ҳам анча енгиллик беради. Вилоят, туман халқ таълими бўлимларида, мактаблардаги умумий мажлис ва йиғинларда юқори синфларнинг ютуқлари, камчиликлари ҳақида кўп гапириладию, негадир бошланғич синфларга эътибор камроқ қаратилади. Аслида эса, юқори синфлардаги ўша ютуқ ва камчиликларнинг замирида бошланғич таълим-тарбия туради.*

*Хўш, бошланғич синфларни ўқитишда кадрлар масаласи, уларнинг билим малакаси борасида қандай ишларни амалга ошириш лозим? Шуниси ачинарлики, айрим мактабларда бошланғич синф ўқитувчилари тажрибасиз ва билимсиз, педагогика сир-асрорлари, янгиликларидан умуман бехабар бўлган ўқитувчиларга топшириб қўйилган. Уларда фаоллик, изланувчанлик, энг муҳими яратувчанлик бўлмаса, боладаги қайноқ иқтидор, истеъдод қандай йўл билан юзага чиқади. Бу ўринда "Алифбе" китобининг муаллифи О.Шарафутдиновнинг қуйидаги фикрларни эсламоқчиман: "Юқори синфларда ўқувчи хунук ёзса, тўғри ўқий олмаса, тарбиявий томонлардан ҳам кўп ёмон одатларга ўрганиб қолган бўлса, бу кўпинча биринчи синф ўқитувчисининг айби бўлиши мумкин. Биз болаларни шундай тарбиялашимиз кераккки, улар ҳар бир вазифани пухта, ўз вақтида соф виждон билан бажарадиган бўлсинлар. Бундай тарбиянинг асоси биринчи синфдир".*

*Ҳақиқатдан ҳам, иқтидорли болаларни илк бошланғич таълимдан бошлаб, "ижодкор ўқитувчи — иқтидорли болаларга" ғоясида тарбиялаш яхши самара беради. Биринчи синфларда дарс беришга шундай ўқитувчиларни жалб қилайликки, юқорида таъкидланган масъулиятсиз ўқитувчилар улардан маънавий-руҳий таъсир, куч ва ўрнак олсинлар.*

*Бошланғич синф ўқитувчиларини тез-тез аттестациядан ўтказиб туриш ҳам бу ишда ёрдам беради. Талабга жавоб бермайдиган ўқитувчиларнинг камайишига хизмат қилади. Ўз фикр ва истакларимдан келиб чиқиб шуни айтмоқчиманки, бошланғич синф ўқитувчилари чет тилларини ҳам чуқур билсинлар, хоҳ китобий тилда, хоҳ оддий ҳаётий тушунчалар билан ўтилаётган мавзуни боланинг кўз ўнгида жонлантира олсин. Техника тараққий этиб кетган айни чоғда бошланғич синфларда ҳам компьютер, информатика дарсларини йўлга қўйиш фойдали бўлади.*

**Қаршигул НОРҚУЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

# 200 ДАВЛАТДА БЕҲЗОД ЮБИЛЕЙИ

Anjuman

Пойтахтимиздаги Беҳзод юбилейининг асосий тадбирларига Буюк Британия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркия, Корея, Ҳиндистон, Миср Араб Республикаси, Россия, Қирғизистондан меҳмонлар ташриф буюрдилар. Юбилей иштирокчилари Темурийлар тарихи давлат музейи билан танишиб, музейнинг мажлислар залида "Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати" халқаро анжуманида қатнашдилар.

Илмий анжуман ниҳоясига етгач, нафис санъат шайдолари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати" бадиий кўргазмасининг очилиш маросимига ташриф буюришди. Кўргазма экспозицияси Фанлар академиясининг шарқшунослик институти, Давлат санъат музейи, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи Ўзбекистон Миллий банки галереяси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси, таниқли рассом ва уста мусаввирларнинг шахсий хазиналаридан олинган миниатюралар ва кўргазма асарларга бой ҳолда ташкил этилган эди. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссиясининг масъул котиби Алишер Икромов Камолиддин Беҳзод юбилейи жаҳон миқёсида 200 га яқин мамлакатда нишонланаётганини маълум қилди.

**Зуҳра МЎМИНОВА**

# «ALIFBE»DAN «O'QISH KITOBI»GA




**_Айни кунларда илм масканларида "Алифбе" байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтаётир. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Муҳаббат Назарова номидаги мактабда ҳам ўтказилди. 1- "Г" синф ўқувчилари бу байрамга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Шеър ёдлаб, рақсга тушишни ҳам ўрганишди. Аввало, улар барча ҳарфларни таниганликларини, "Алифбе" дарслигини пухта ўзлаштирганликларини мактаб саҳнасида кўрсата олдилар. Айтиш жоизки, мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Шокированинг болажонларга ҳар бир ҳарфни ўргатишдаги ва "Алифбе" байрамига тайёрлашдаги хизмати таҳсинга лойиқ. Албатта, тадбирда ота-оналар фарзандлари олган билимларини, қисқа вақтда эгаллаган санъатларини намойиш этганларида ҳаяжонланиб ўтиришди, жигарбандлари "Алифбе"даги барча ҳарфларни ўқишни, ёзишни билганларидан жуда қувонишди, ўқитувчиларига миннатдорчилик билдиришди._**

**_Ҳаяжонли дақиқалардан сўнг мактаб раҳбарлари ва ота-оналар болажонларга мактаб дастуридаги бошқа дарсликларни ҳам худди бугунгидай ўзлаштиришларига муваффақиятлар тилашди._**

**Ш.НИШОНОВ**



**_Суратда: тадбирдан лавҳалар акс этган._**

**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

## ФОЖИА ИЧИДАГИ ФОЖИА

Назаримда, ислом дини таълимотидан бехабарлик ёки уни юзаки билишимиз ТАРБИЯ деб аталган мураккаб жараённи янада қийинлаштирмоқда. Ҳеч кимдан, ҳаттоки Оллоҳдан ҳам қўрқмаслик, такаббурлик, манманлик, айрим шахс ва тўдаларни қанчалик исканжага олса, уларнинг таъсирига тушиб қолганлар ҳам кам эмас. Қуръони каримнинг "Бақара" сураси 185-ояти, "Нисо" сураси 29-оятида Аллоҳ Таоло инсонларни ўз жонига қасд қилмасликка, шунингдек, ўзгаларнинг ҳам жонларига озор етказмасликка буюради. Зино, гиёҳвандлик эса охири ўлимга олиб келадики, бинобарин, булар ўз жонига онгли қасд қилишдан бошқа нарса эмасдир.

Буюк муҳаддис Имом Бухорий таъкидлаганлар: "Ҳар ким ўзини ўзи бирор нарса билан ўлдирса, қиёмат куни дўзахда ўша нарса билан азоб берилади".

Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. ўз ҳадисларидан бирида айтганлар: "Эй, умматларим, агар сизлар бир-бирингизни яхшиликка буюриб, ёмонликлардан қайтариб туришликни тарк этсаларингиз, бошингизга шундай бир бало ва офат келадики, у яхши-ёмонга баробар фожиа бўлади".

Фожиа ичидаги фожиалардан кўз юма оламизми? Гиёҳвандлик, 1980 йилларда номини билмаган, эндиликда эса бутун дунёга кенг тарқалган ОИТС(орттирилган иммунитет танқислиги синдроми)-нинг авж олишига имкон яратмоқдаки, бу иккинчи вабодир. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, 2000 йилнинг бошида Ер юзида 50 миллион киши ОИТС балосига дучор бўлган. Даҳшатли хасталик Ўзбекистонни ҳам "четлаб" ўтгани йўқ. Агар 1999 йилда бу касаллик 25 кишида аниқланган бўлса, 2000 йилда бу рақам 190 кишига етди. Орттирилган иммунитет танқислиги синдромига чалинганларнинг 80 фоизи гиёҳвандлардир. Ақл ва онги хиралашган, шуурини гиёҳ таъсиридан "қутқариб" ололмаган, тўғрироғи, бунга ожиз бандаларнинг бошқа бир "ботқоқлик" сари йўл олаётганликлари биринчидан нақадар афсусланарли ва иккинчидан, нафратланарлидир.

### МУТАХАССИС ФИКРИ

Тошкент шаҳар наркология диспансерининг врачи Зафар Отабоев таъкидлайди:

— Модомики, жамиятнинг негизини оила ташкил қилар экан, гиёҳвандларнинг кўпайиб кетиши сабаблари ҳам ўз-ўзидан шунга бориб тақалади.

Ҳар куни ҳузуримга камида 3-4 бемор, яъни гиёҳвандлар келиб, мурожаат қилишади. Аксарияти 70-80-йилларда туғилганлар. Диспансерда 2 минг киши ҳисобга олинган. Аммо бу рақамни 10 ёки 20 га кўпайтирсак ҳам, биламанки, хато қилмаймиз. Чунки гиёҳвандлик домига тушиб қолганларнинг кўпчилиги ўз қилмишининг нотўғрилигини билса-да, уни ошкор этишни, тан олишни хоҳламайдилар. Улар даволашнинг яширин йўлларини ахтаришади. Врач ҳузурига шифо излаб келиш уларга шахсиятнинг топталиши бўлиб туюлади.

— Сизнингча, гиёҳвандлар нима учун кўпайиб кетмоқда?

— Беморнинг ранг-рафтори, кечинмалари, юрагини ўртаётган афсус туйғуси билан тўқнаш келар эканман, савол-жавоб асносида унинг бу офатга йўлиқишида жамиятдан кўра оила муҳити етакчи роль ўйнашига амин бўлганман. Беморлардан олган хулосаларимни ҳозирча 19 та сабабга умумлаштирдим. Ё отаси, ё онаси бўлмаган оила, бой-бадавлат хонадон, ота-онасининг бола гапга тушунадиган даврдан бошлаб пул тўғрисида гаплашишлари, ўсмирни пул топишга ўргатиш, кўнгил очиш муассасаларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги (бар, дискотека, бильярдхона ва ҳоказо), оилада ягона фарзанд (ягона ўғил), ота-оналарнинг 10-15 кунлаб хизмат сафарларига кетиши, болани меҳнатга ўргатмаслик, эр-хотиннинг тез-тез жанжаллашиши, ота-онадаги кўнгилчанлик ёки характер бўшлиги, эр ёки хотиннинг гиёҳванд модда истеъмол қилиши, қариндош-уруғлардан бирининг наркотик модда истеъмол қилиши ва боланинг уларга кўр-кўрона тақлид қилиши, молиявий жиҳатдан ўрта ёки ўрта ҳолатдан паст даражадаги оилаларнинг тижоратчилик орқасидан бойиб кетиши, айбни фақат четдан қидирувчи оилалар, аёлнинг иккинчи ёки учинчи марта турмушга чиқиши, болани доимий равишда сўкиб-ҳақоратлаш, муваффақиятсизликка учраган ўсмирни ҳадеб камситавериш, ниҳоят, пулга муккасидан кетган тўдалар таъсирига берилиб қолиш.

Минглаб беморлар билан гаплашиб, ана шундай ҳолатлар уларнинг яшаш тарзида кузатилганини ўз оғизларидан эшитганман. Демак, оиладаги носоғлом муҳит ўсмирни абгор этиб, унинг умрини қисқартирмоқда. Жамиятнинг ичида "қуюн" сингари ўралашиб юрган балойиофатни қизиқиш учун бир бора татиб кўрганлар ҳам борки, улар эҳтимол, соғлом оиланинг вакилларидир. Демак, оилага боғлиқ бўлмаган сабаб ҳам бор: қизиқиш учун татиб кўриш. Таъқиқланган нарсани татиб кўриш ҳам аслида одамзотнинг табиатига хос нарса-да...

# МУБТА

Сабабсиз ҳеч қандай оқибат рўй бермайди. Мутахассис шифокор Зафар Отабоев гап орасида "Чумчуқ туяқушга ўхшаб юраман деб, бути йирилибди" деб қолди ва савол аломати билан қараганимни сезиб, деди:

—Ўзбек хонадонларидаги урф-одатларга сарфланадиган пулга хорижда машина сотиб олишади. Мен нега ҳалиги мақолни келтирдим. Бадавлат хонадонга ўхшайман деб ёки уларга ҳавас қилиб, ўртача оилаларнинг ҳам шўри қуримоқда. Қиз узатаман деган ота-она мебель, сарпосурпо йиғиши, соғлиғи учун керакли нарсаларни емаслиги, ичмаслиги керак. Пул топиш учун у "ёғли", "даромадли" жойларни ахтаради. Маош билан эса қиз-йигитнинг кам-кўстини тўғрилаш мушкул. Урф-одатлар ўз ҳолича, ким қандай хоҳласа шундай давом этар экан, давлат миқёсида тартибга солинувчи қонунлар қабул қилинмас экан, ҳар қандай жамият инқирозга юз тутиши турган гап.

### МАРШАК КЛИНИКАСИ

"Аргументы и факты", сенга ялиниб-ёлвораман! Ушбу хатим доктор Маршакнинг қўлига бориб тегсин.

Менинг 34 ёшдаги ўғлим хотини билан гиёҳванд моддалар истеъмол қилади. Уларнинг 11 яшар ўғли бор, ҳеч қаерда ишлашмайди. Ўғлим ва келиним кўкнори уруғини қайнатишади, нина орқали қабул қилишади. Уларнинг қўллари илма-тешик бўлиб кетган. Қайси гуноҳим эвазига худо мени бу тариқа жазолаяпти, тушунмайман.

Хатни шашқатор кўз ёшларим билан ёзмоқдаман. Менга ёрдам беринг. Доктор Маршак гиёҳвандларни даволаётган эмиш".

Ҳозирги замон табобати инсон танасидаги минглаб дардларни даволай олади. Саратон (рак) бундан мустасно, албатта. Шифокорларнинг аксарияти гиёҳвандлик дардини даволаш ниҳоятда мушкул, деб ҳисоблашади.

"Аргументы и факты" газетасида (№ 43) эълон қилинган "Қалб оламининг гиёҳвандларга қарши уруши" мақоласида москвалик нарколог Яков Маршак клиникаси ҳақида сўз боради. Шифокор довруғ таратгани учун ундан нажот истовчилар кўпаймоқда. Гиёҳвандликни даволаш қийин кечаётган бир даврда унга мурожаат қилувчиларнинг кўплиги табиий.

Гиёҳванд энг сўнгги босқичда чорасиз қолади. Ўлимгача бир қадам қолган, холос. Ҳаёт албатта ширин. Ҳаёт неъматларидан мосуво бўлишни жар ёқасида турган гиёҳванд ҳам истамайди. Бундай кезда унга нажот қалъаси — Яков Маршакники каби клиникалардир. Хўш, Маршакнинг клиникаси нега шу қадар машҳур бўлиб кетди?

Клиникадаги реабилитация(тиклаш) курси арзон эмас. Лекин шунга қарамасдан бу ерга оқиб келувчилар кўп. Ҳар бир бемор билан 24 соат мобайнида яккама-якка иш олиб борилади. Даволаш Ғарб давлатлари, масалан, Америка наркология марказларидаги сингари юқори даражада. Апрелевка даласидаги пухта ҳимояланган кенг, шинам бино. Ичкарида эса энг замонавий жиҳозлар. Клиникада ишловчиларнинг ишончи, раҳм-шафқати, билими, қобилияти ва касби мўъжизани ижод қилади. Ҳалокат ёқасида турган киши бу ерда қалб хотиржамлигига эришади. Йўқотилган бахтни топишдан кўра ширин туйғу борми? Чиқишга рухсат этилганлар билан "янги"лар ўртасидаги фарқ ер билан осмонча!

Клиника бош врачи Яков Маршак таъкидлайди: "Гиёҳванд моддага яқин бормаган, ўзини ундан тортган кишиларни бахтли дейман!"

(Давоми. Боши ўтган сонда.)



А.Икромов туманидаги 207-мактабгача таълим муассасасида болалар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Суратда: тарбиячи Муяссар Ҳакимова болалар чизган расмларни кўздан кечирмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

# ҚИСҚА ВАҚТ БЎЛИНАДИГАН БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Tavsiya

*Мактабгача таълим муассасаларини (МТМ) сақлаш муаммоси Ўзбекистондаги радикал ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қайта қуриш шароитида ҳамон долзарб бўлиб турибди. МТМлар сони қисқаришларининг олдини олиш мақсадида директив меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Бу эса мавжуд салбий "анъаналарни" қайсидир даражада тўхтатишга, секинлаштиришга ёрдам беради. Бюджет билан таъминланувчи болалар боғчаларини сақлаш ҳақида 1997 йил 26 сентябрда 453-рақамли "Ташкилот ва муассасаларга қарашли болалар боғчаларини халқ таълими тизимига ўтказиш ҳақида" ҳукумат қарори чиққан эди. Бундан ташқари, "Ўзбекистонда мактабгача таълим ҳақида"ги янги Низом ҳам қабул қилинган бўлиб, унда бюджет ва бошқа манбалардан молиялаштирилувчи ҳар турли МТМларнинг ҳуқуқлари таъминланади, кундузги, кечки, суткалик, якшанба кунлари ҳам ишлайдиган МТМлар фаолиятига йўл қўйилади, шунингдек, мазкур низомга кўра, болаларнинг МТМга ҳафтасига 2-3 кун боришига ва бошқа вариантларга йўл қўйилади. Бироқ бу имкониятлардан ҳалигача тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу маҳаллий маъмурларнинг етарли бўлмаган ташаббускорликлари, махсус меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда дастурий методик қўлланмаларнинг етишмаслиги туфайли рўй бермоқда. Бунинг устига электр энергияси, транспорт, овқатланиш ва жиҳозлар баҳосининг тўхтовсиз ўсиб бориши ҳамда МТМларнинг мазкур харажатларни қоплашга қурблари етмаслиги давлатга қарашли МТМларнинг ёпилишига олиб келмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, МТМ тармоғи 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 2917 тага қисқарган. Уларга қатновчи болалар сони ҳам деярли икки баравар камайган.*

*Бугун мамлакат ҳудудида 608500 болани жамлаган 6742 та МТМ фаолият кўрсатяпти. Шундан бор-йўғи 1731 бола қатнаётган 288 та гуруҳ ноанъанавий ҳисобланади.*

*Анъанавий хизмат доирасини, жумладан, овқатлантириш, кир ювиш, техник, тиббий, педагогик ходимларни таъминлаш учун бюджетдан қўшимча маблағ ажратилиши ёки ота-оналар пул тўлашлари керак бўлади. Шунинг учун, мактабгача таълим тизимини сақлаб қолиш учун ички имкониятлар излаб топиш ва харажатларни иложи борича камайтириш талаб этилади.*

*МТМ харажатларининг катта қисми таълим билан боғлиқ эмас — бу болаларни овқатлантиришга, тиббий ва техник хизмат кўрсатиш, техник жиҳозларни сақлаш ва 10-12 соат мобайнида болалар билан бирга бўлувчи ходимлар маошига сарфланадиган харажатлардир.*

*Шу ердан мантиқий хулоса чиқади: мактабгача таълим муассасаларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун камхаражатли, овқатланиш ва тиббий хизматсиз ёки уларга муқобил шаклдаги қисқа вақт бўлинадиган болалар боғчаларини кўпайтириш лозим. Ўзбекистонда шунга ўхшаш турли кўринишдаги мактабгача таълим шакллари учун ҳуқуқий-меъёрий асослар ишлаб чиқилганига анча бўлди.*

*Мактабгача таълимнинг иқтисодий мақсадли, янги турлари — МТМ тизими ва гуруҳларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришнинг самарали усулидир. Бу бюджет маблағларини тежаш, ота-оналар тўловларини камайтириш ва МТМни аҳоли учун қулай хизмат турига айлантиришга олиб келади. Бундан ташқари, қисқа вақт бўлинадиган МТМ ва гуруҳлар тартибига кўра, ота-оналар учун қулай кун ва боғчага боришни маълум бир вақтда амалга оширишга мос.*

*"Ўзбекистонда мактабгача таълим тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, ноанъанавий турдаги қисқа вақт бўлинадиган МТМни таъсис этувчи шахслар зарур педагогик-касбий квалификацияга эга, лавозими ва эгаллаган мутахассислиги, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар меъёрий талабларга мос бўлган шахслар бўлиши лозим.*

*Янги шаклдаги болалар қисқа вақт бўладиган МТМни ташкил қилиш учун таъсисчилардан қуйидагилар талаб қилинади:*

*1.МТМ ёки қўшимча ташкил қилинадиган гуруҳнинг педагогик йўналишини аниқлаб олиш. Улар қуйидагича бўлиши мумкин: сайр усули, назорат ва тарбия, спорт, соғломлаштириш, сузиш, руҳий ва жисмоний ривожланишга эътибор берилувчи, болаларнинг қизиқишлари бўйича ривожлантириш (она тили ва чет тилларни ўрганиш, бадиий, мусиқий лаёқатни такомиллаштириш, болаларни мактабга тайёрлаш ва ота-оналар ҳамда таъсисчиларнинг бошқа хоҳиши ижодий имкониятлари бўйича).*

*2.МТМ ёки қўшимча гуруҳларнинг жойлашиш ўрнини аниқлаш. Ноанъанавий МТМ ва гуруҳлар таълим муассасалари биноларида, бошқа маъмурий ва хусусий биноларда, сотиб ёки ижарага олинган биноларда жойлашиши мумкин. Бинолар санитар-гигиеник талаблар ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган, маҳаллий санитар-гигиеник назорат ҳамда ёнғинга қарши хизмат давлат органларининг ёзма рухсатномаларига эга бўлишлари шарт.*

*3.МТМ ёки қўшимча гуруҳ устави лойиҳаси "Ўзбекистонда мактабгача таълим тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларига мос бўлиши керак.*

*МТМ ёки гуруҳлар уставида қуйидагилар аниқ кўрсатилиши лозим:*

*—боланинг МТМга қатнаш вақти, гуруҳда — ҳафтасига 1 кундан 7 кунгача, кунига 2—3,5 соат, 8 соат тўлиқ ёки танаффуси билан;*

*—гуруҳларни тузиш тартиби. У бир хил ёшли ёки турли ёшли бўлиши мумкин.*

*Булар мустақил гуруҳлар бўлиши ёки болалар тўлиқ қамралмаган гуруҳлар таркибига жалб этилиши ва машғулотлар, ўйинлар, сайрларда иштирок этиши, тушликдан олдин эса ота-оналар уларни уйга олиб кетишлари мумкин.*

*Агар мустақил гуруҳлар бўлса, худди шу бинода шундай учта гуруҳни ташкил этиш мумкин: масалан, соат 9 дан 11 гача, 11 дан 15 гача, 15 дан 17 гача.*

*Гуруҳлардаги болаларнинг миқдори уларнинг ёшини, ота-оналарнинг хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;*

*—тасдиқланган давлат меъёрларига мувофиқ гуруҳларда белгиланганидан 5-7 кишигача ортиқ бола бўлиши мумкин;*

*— овқатлантиришни ташкил этиш тартиби ва шакли (овқатсиз болалар муассасалари томонидан уюштириладиган бир марталик ёки икки марталик овқатланиш ва бошқа йўллар билан). Овқатлантиришни ташкил этишда болалар таълим муассасаларининг 4-7 соатлик тарбияланувчилари "Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар муассасаларида озиқ-овқат истеъмол қилишнинг кунлик меъёрлари"да (2000 йил 1 июлда) таклиф этилган меъёрларни ҳисобга олиш лозим;*

*— ота-онанинг бола учун тўлови миқдорини белгилашда унинг болалар таълим муассасасида ўтадиган вақтини ҳисобга олиш;*

*— иш тартиби ва шартлари билан мувофиқ келувчи, молиявий органлар билан келишилган ҳолда тўланадиган иш ҳақи миқдори кўрсатилган қисқа вақт бўлинадиган гуруҳ штатлар жадвали;*

*— мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари ҳамда "Учинчи минг йиллик боласи" таянч дастури орқали аниқланадиган қисқа вақтли иш тартибига эга гуруҳ ёки МТМдаги таълим жараёни таркиби. Қисқа вақт бўлинадиган МТМ ёхуд гуруҳларда мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларини адо этиш, албатта, мумкин эмас. Шу сабаб, қисқа вақт бўлинадиган МТМ ёки гуруҳларда болаларни ўқитишнинг аниқ дастурини белгиловчи педагогик йўналишга мос муаллифлик дастури ишлаб чиқилиши керак.*

*Шуни ҳисобга олиш керакки, барча ота-оналар ҳам боласига давлат талабларига мос таълим бера олмайди. Қисқа вақт бўлинадиган МТМ ёки гуруҳ дастурида болаларни интеллектуал ривожлантириш билан алоқадор давлат дастурига мос, мутахассислар томонидан белгиланган машғулотлар мажмуи яратилиши лозим. Бу нутқ, хотира, ақлий имкониятлар, тасвирлаш қобилияти ривожланиш, элементар иқтисодий-математик тушунчалар шаклланиши, қиёслаш, ажратиш, муомала, хулоса чиқариш ва бошқа ўқув фаолиятлари малакаларини эгаллаш.*

*Жисмоний ривожланиш, ахлоқий, эстетик, меҳнат тарбияси билан боғлиқ қисқа вақт бўладиган болалар учун давлат дастурининг қолган барча бўлимларини ота-оналар орқали амалга ошириш лозим бўлади. Буни консультация, суҳбат, давра суҳбати, кўрсатма ва бошқа педагогик таълим турлари орқали ташкил қилиш мумкин. Бундан ташқари шу турдаги МТМда болаларга ота-оналар билан шартномага мувофиқ, оила талабларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча пуллик хизматлар кўринишида қўшимча таълимий дастур татбиқ қилиниши мумкин.*

*4.Фаолият давомида томонлар мажбуриятларини аниқлаб берувчи МТМ (гуруҳлар) ва ота-оналар ўртасидаги шартнома лойиҳасини тайёрлаш. Барча таъсис ҳужжатлари пакети рухсатнома-лицензия олиш учун маҳаллий ҳокимият органларига тақдим этилади. Шундан сўнг таъсисчи таълим фаолиятини олиб борувчи МТМ ёки гуруҳ ташкил қилиш ҳуқуқига эга бўлади.*

**Ҳамида АҲМЕДОВА,**
**ХТВ мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи,**
**Гулчеҳра МУСУРМОНҚУЛОВА,**
**РТМ мактабгача таълим шўъбаси мудири**

# "ЙИЛ САРҲИСОБИ" БЕЛЛАШУВИ

Охирлаб бораётган 2000 йил сўнгида бу каби тадбирлар, кечаларнинг тобора кўпайиши турли жойларда ўтказилиши табиий.

Ана шундай қизиқарли тадбир, аниқроғи "Йил сарҳисоби" мавзусидаги беллашув пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 288-мактабда бўлиб ўтди. Мактабнинг 4 та 7-синфидан 6 нафардан ўқувчилар ўзаро гуруҳ тузиб, 6 босқичда беллашдилар.

"Саломлашиш ва табриклаш"да ҳар бир гуруҳ аъзолари йил бўйича қилинган ишлар, ўтказилган тадбирлар, байрам тантаналари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

"Сирли жумбоқ" беллашувида ҳар бир синф томонидан расм кўрсатилди, бу расмни бошқа синф ўқувчилари таърифлаб беришлари керак эди. Шундан сўнг таърифнинг тўғри ёки нотўғри эканини баҳолаш ўша синф, яъни расм эгаларига ҳавола этилди.

"Сардорлар беллашуви"да ҳар бир синф сардорларига 10 тадан савол берилди, ана шу саволларга ким тез ва тўғри жавоб бериши аниқланди.

"Миллий клип" шарти ўта моҳирлик билан ижро этилди. Қувонарлиси шундаки, ўқувчилар ўзбек миллий кийимларида ўзбек халқ ашулаларидан клипларни намойиш этишди.

Гуруҳ сардорлари Ойгул Асланова, Шаҳноза Мажидова, Ботир Нурматов, Дилором Нажмиддиновалар ҳар томонлама ўз гуруҳларини ҳимоя қилишга интилдилар.

7 - "А" синф ўқувчилари 72 балл ва 7 - "Б" синф ўқувчилари 69 балл билан I-ўринни эгалладилар. 7 - "В" синф ўқувчилари 60 балл ва 7 - "Г" синф ўқувчилари 57 балл билан II ўрин соҳиби бўлишди.

I ўринни олган гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига 10 баллдан рағбатлантирувчи рейтинг бали, II ўринни олган гуруҳ аъзоларига эса 8 баллдан берилди. Беллашувни ташкиллаштирган 7 - "В" синф раҳбари Маъмура Усмонова, даврани олиб борган Шаҳноза Нарзиевалар тадбир ҳақида шундай дейишди: "Беллашувни "Йил сарҳисоби" деб номлашимизнинг сабаби, якунланаётган йилда ўқувчиларнинг билими, ўзлаштириши қай даражада эканини сарҳисоб қилиш эди. Ўқувчилар бундан ҳам хулоса оладилар, ҳам таъсирланадилар. Негаки, бу каби беллашувларда улар ғолибликка интилиб, кўпроқ ўқишга, ўрганишга ҳаракат қиладилар".

**Муножот МЎМИНОВА**

## АМАЛИЁТ-МУҲИМ БОСҚИЧ

*"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" вазифаларини ҳаётга кенгроқ тадбиқ этиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини янада ошириш ва илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Дўстлик туман ХТБ ва Жиззах ВПХМОИ ҳамкорликда "Давлат таълим стандартлари талаблари асосида меҳнат таълими фанини ўқитиш" мавзусида амалий семинар-кенгаш ўтказилди.*

*Семинарда Дўстлик туман ХТБ мудири Ж.Сойипов қатнашиб, ўқувчи ёшларни касбга йўналтиришда меҳнат таълими фани ўқитувчиларининг олдига қўйиладиган вазифалар ва бу борада қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Анжуман сўнгида керакли методик тавсиялар ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши режалаштрилди.*

**И.ИСМОИЛОВ**

## ТАҚЛИД ЭМАС, ТАРҒИБ ЗАРУР

Fikr

**Ёшлар орасида ўз маънавиятини, қадриятини қадрлайдиган ёшлар кўплаб топилади. Мени кўпдан бери қийнайдиган масала бу айрим ёшларимизнинг ўзбек тилига бошқа чет тилларини қўшиб гапиришидир. Четдан кузатган одамга бу жуда эриш эшитилади. Ахир, бизнинг бой она тилимиз, бетакрор маънавиятимиз бор-ку? Нега энди она тилимизга чет тилларни қўшиб гапиришимиз зарур? Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига 11 йил бўлди-ку? Нима учун ҳозирги ёшлар инглиз, француз, немис тилларини 3-6 ойлик курсларда ўрганишадию, лекин Ўзбекистонда истиқомат қилиб, бошқа забон вакиллари ўзбек тилини йиллаб ҳам ўргана олишмайди?. Ўзбекистонда кўпгина хорижий тилларни ўрганиш учун тил марказлари мавжуд. Шулар қаторида "Ўзбек тили марказлари"ни ташкил этиб, бу марказларга нафақат хориж ёшларини, балки ўзбек ёшларини ҳам жалб қилсак, уларнинг ўзбек тилига бўлган қизиқишини янада ошириб, хорижликлар билан шартномалар тузиб, бу тил марказлари филиалларини чет мамлакатларида ҳам очсак яхши бўлар эди. Хориж тилларини тақлид қилгандан кўра, ўз тилимизни хориж мамлакатларига тарғиб қилайлик.**

**Биз ўз тилимизга юзаки муносабатдамиз, ўзбек тилига хориж сўзларини қўшиб гапиришга одатланганмиз, бу эса ўз тилимизга бўлган ҳурматсизлигимиз нишонасидир. Келинг, ўз тилимизга бўлган бундай муносабатларимизни ўзгартирайлик. Биз мустақил Ўзбекистон ёшлари, яъни ўз тили, бой маънавиятига эга халқмиз. Нутқимизга чет сўзларни аралаштирмайлик, чет сўзларни эса ўз ўрнида қўллайлик, ён-атрофимиздагиларга ўрнак бўлайлик. Шундагина ўзбек тилининг қанчалик бойлиги, гўзаллигига ўзимиз ҳам амин бўламиз.**

**Феруза РАСУЛОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 1-курс талабаси**

## ЧЎҚҚИ САРИ ИНТИЛИШ

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида "Йил мактаби — 2000" кўрик-танловининг II босқичи ўтказилди. Воҳанинг ҳар бир туманидан энг намунали деб ҳисобланган 17 мактабдан вакиллар фаол қатнашган ушбу танловда ҳар бир мактаб жамоаси томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиш қилинди. Уларда мактаб ҳаётидан олинган лавҳалар, илғор иш тажрибаларидан намуналар ва жорий йилда ташкил қилинган марказлар ҳақида маълумот берилган.

### «Yil maktabi — 2000»

Кўргазмалар билан танишиб чиқилгач, мактаб раҳбарлари ўзларининг ижодий иш фаолиятлари ҳақида маълумот бердилар. Ҳар бир мактаб раҳбарлари ўз олдиларига қўйган муаммоларни ечиш борасида олиб бораётган ишларини ҳаётий мисоллар асосида баён қилдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ ходими Содиқ Раимбердиев бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳар бир мактаб ишининг мазмуни ва фаолиятини баҳолаб борди. Бунда улар мактабнинг моддий-техник базаси, педагогик жамоа ва ўқувчилар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳисоботи, ўқувчиларнинг дарслик билан таъминланганлиги, ДТС асосида ўқувчиларнинг фанлар бўйича самарадорлиги, мактабда инновация, янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши, ўқувчиларнинг тўгарак ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этилиши, ўқувчиларнинг фан олимпиадалари, кўрик-танловларда иштирок этишига асосий эътиборни қаратдилар.

Танлов натижасига кўра Нукус шаҳридаги Оқсунбул опа Каракаева раҳбарлик қилаётган 20-мактаб 1-ўринни эгаллади.

2-ўринга 2 та мактаб талабгор бўлди. Булар Тахтакўпир туманидаги 6-мактаб ҳамда Кегейли туманидаги 26-мактаблардир. Қўнғирот туманидаги 1-мактаб, Қонликўл туманидаги 2-мактаб, Хўжайли туманидаги 7-мактаблар 3-ўринга муносиб деб топилдилар.

Ғолиб мактаблар муносиб тақдирландилар. Шундай қилиб, Тошкентда ўтадиган "Йил мактаби—2000" кўрик-танловининг сўнгги босқичида иштирок этиши учун Нукус шаҳрининг 20-мактабига йўлланма берилди.

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВА,**
**РТМ бош методисти**

## ЁРДАМИНГИЗНИ АЯМАНГ!

**Яқинда Қашқадарё вилояти Касби туманидан бир хат олдик. Ва биз бу мактубни таҳрирсиз эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.**

**"Менинг беш нафар вояга етмаган фарзандларим бор. Катта қизим Хуршида 1987 йилда туғилган. Ҳамза номли 13-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқийди. Қизалоғим 1992 йилдан буён чап кўзида суякларнинг нотўғри ўсиш касаллиги билан оғриб келмоқда. Шу кунгача қизим дардига даво истаб, бормаган шифокоримиз, табибимиз қолмади. Бухоро ва Тошкент шаҳарларига бир неча маротаба даво истаб бордик. Лекин ҳеч қандай фойда чиқмади.**

**Айтишларича, Хуршидани даволатиш учун Москва шаҳридаги офтолмология марказига олиб боришимиз керак экан. Лекин бизнинг моддий имкониятимиз Москва шифохонасига боришни кўтармайди.**

**Мустақил Ўзбекистонимизда бу йил Соғлом авлод йили ҳукм сурмоқда. Мен барча саховатпеша ва мурувватли инсонларга ёрдам сўраб мурожаат қилмоқчиман.**

**Хуршида эндигина 13 баҳорни қаршиламоқда. Унинг орзу-умидларини ушалишига азиз ватандошлар, ёрдам беринглар. Қизим бу дарддан тезроқ форӣғ бўлсин. Шу мақсадда Қашқадарё вилояти Касби тумани "Пахтабанк"ида ҳисоб рақами очганман. Илтимос, ушбу ҳисоб рақамига мард инсонлар пул ўтказиб берсалар, деб, Хуршиданинг онаси Холбика Бозорова.»**

**Ҳурматли муштарийлар! Биз ҳам сизлардан ёрдам сўраган ҳолда Хуршида Алиқулованинг ҳисоб рақамини келтириб ўтмоқчимиз: 20406000599001624001. Бемор Алиқулова Хуршида учун, деб кўрсатилишини сўраймиз.**

# ЛОЛИК

Клиникага Россиянинг турли бурчакларидан, МДҲ давлатларидан боришади. Гиёҳвандларнинг ўртача "стажи" 4 йил. Уларнинг аксарияти аллақачон нинага "ўтиришган". Ўзини, оиласини, дўст-биродарларини, касбу корини, ўқишини йўқотган гиёҳвандлар улардан ҳам буюкроқ таянчи — соғлиғини йўқотганини англаб, бу ерга келишмоқда. 23 ёшли пермлик Сергей, 20 ёшли Настя, бишкеклик 27 ёшли Русланлар таъкидлашадики, Маршак клиникасига ташриф буюрган киши бу бало домидан қутқарилади. Ҳаёт билан видолашиш эмас, яшаш мавриди эканлигини унинг онгига шу қадар пухта сингдирадиларки, гиёҳванд бутунлай бошқа дунё билан юзлашади. Маршак ишлаб чиққан даволаш дастурининг шу қадар таъсир доираси катта эканлигига сабаб нима аслида?

Клиника ходимларининг орасида собиқ гиёҳвандлар анчагина. Бир пайтлар Яков Маршакнинг ўзи ҳам гиёҳвандлик билан "тўқнашган". Ёш математик янглишганини тезликда илғаб, ўзини ҳушёр олди. Шу ўринда "Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб" мақоли хаёлимдан ўтди. Дард билан олишмаган, унинг изтиробларини ўз бошидан кечирмаган табиб беморни даволашга, унга яқинлашишга куч ва ирода топа олармикан?

"Мен қайтадан туғилдим! Маршак клиникасига тушишимга ёрдам берганлардан умрбод миннатдорман?" деб хайрлашади жозибадор қиз Настя клиника ходимлари билан. Унинг чеҳрасида ўлим билан юзлашишга тараддуд эмас, ҳаётга ташналик!

### БИЗ ҚОНУНЛАРНИ БИЛАМИЗМИ?

Инсон ҳаёти тинч, сокин, хавфу хатарсиз кечишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган қонунлар барча мамлакатларда қабул қилинади, амалиётга жорий этилади. Жумладан, мустақил Ўзбекистон давлатида ҳам фуқаролар манфаати учун хизмат қиладиган қонунлар ўз вақтида ва пухта ишланиб қабул қилинаяпти. Олий Мажлис сессияларида муҳокамага қўйилиб, депутатлар ўз муносабатларини билдираётган қонун лойиҳаларидан халқ оммаси қай даражада хабардор?

Олий Мажлиснинг 1999 йил август ойидаги сессиясида "Наркотик моддалар ва руҳий таъсир этувчи воситалар тўғрисида" Қонун қабул қилинган эди. Тегишли муассаса ёки идораларни ҳисобламаганда, бундай қонунлардан халқимиз бехабар қолмаяптими? Аслида, қонунлар халқ учун, унинг турмуш тарзида инсоният томонидан тан олинган жамики қадриятлар қарор топиши учун қабул қилинади. Эҳтимол, қонунларни билмаслигимиз, ундан бехабарлигимиз жамиятда иллат ва тўсиқларни кўпайтираётган эмасмикан?

"Наркотик моддалар ва руҳий таъсир этувчи воситалар тўғрисида"ги Қонунни тарғиб-ташвиқ этишга киришмас, унинг аҳамиятини кишилар — мактаб ўқувчилари, талабалар онгига етказмас эканмиз, бугунги авлоднинг гуноҳи келгуси аср ворисларига уради.

### ЯГОНА ЙЎЛ — ТАТИБ КЎРМАСЛИК!

Пойтахтдаги наркология шифохонасига қадам ранжида этган кишини нимадир исканжага олади, бу қўрқув ва нафрат омухта бўлган туйғу. Ўлим истамаган ва умрини давом эттириш илинжидаги одам билан юзма-юз бўлишга негадир журъат этолмайсан. У билан сизнинг орангиздаги фарқ бунга тўсқинлик қилади. Сиз, шифокор Маршак таъбирича, гиёҳванд моддани татиб кўрмаган бахтли инсонсиз! У эса "ботқоқлик"дан чиқолмаётган одам!

Исканжа қуршовида шифокор Умида Бойаҳмедова ҳузурига кирдим. Менинг муддаомни англагач, врач афсус-надомат ила қуйидагиларни ҳикоя қилди:

— Бир кеча-кундузда 5-6 бемор келтирилади. Аччиқ ҳақиқатдан кўз юмолмаймиз, уларнинг аксарияти ёшлар ва бундан ҳам даҳшатлироғи шприц ёрдамида героин қабул қилувчилардир.

Гиёҳванд кўзимизга ҳар қанча ваҳимали кўринмасин, биз унинг бу ерга ёрдам истаб келганини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Гиёҳвандлик — оғир дард, даволаш кўп ҳолларда натижа бермайди. Бир курс даволанганда, беморга дори-дармони, озиқ-овқат, кўрпа-тўшаги учун 100 минг сўм сарфланади. Бемор бунинг учун пул тўламайди. Кўраяпсизки, гиёҳванд нафақат ўз соғлиғига, балки давлатга ҳам қанчадан-қанча зиён етказмоқда. Бир марталик даволашдан сўнг бемор бу балодан буткул қутулиб кетмайди. Чунки гиёҳвандлик шундай дардки, бемор маълум муддат ундан фориғ бўлгани билан унинг қонида наркотик модда — героин, наша ва бошқаларга нисбатан хуморланиш ҳолати қўзғалади.

Гиёҳванд даволанди. У ўзини енга олиши учун кўп вақт керак. Бу вақт мобайнида у яқинлари ва шифокорлар назорати остида бўлмаса, даволаниш наф бермайди. "Биргина ва охирги марта" татиб кўраман деб у яна тузоққа тушади. Қолаверса, ирода сустлиги ҳам панд беради. Бу дардга чалинганлар бор-йўғи 5-10 йил яшашади, нарёғи ўлим. Гиёҳвандликдан қутулишнинг ягона йўли уни татиб кўрмаслик!

### БЕМОР БИЛАН ЮЗЛАШГАНДА...

Қаршимда қошу кўзи қопқора, келишган йигит. У бемор даволаниш босқичидан ўтиб, уйига кетиш тараддудида.

— Нима учун гиёҳвандлар сони бу қадар кўпайиб кетди? Унинг нимаси одамни тортади?

Қийноқли савол, берилиши лозим бўлган савол, Бемор йигитни қайтадан изтиробга солиш менга ҳам ўнғай эмасди. Начора, журналист бирор мавзуга қўл урса, у саволлар қуршовида қолади, ўзини қийнаган саволларнинг замиридан жавоб излайди.

— Кўпчилик қизиқиш учун татиб кўриб, бунга гирифтор бўлади. Айрим ўртоқларим гиёҳвандликка муккасидан кетишганди. "Кел, сен ҳам бизга қўшил!" дея нина таклиф қилишди. Мен бу дард инсонни боши берк кўчага олиб кириб қўйишини унчалик англаб етмасдим. Дўконда ишлаганим учун қўлимга пачка-пачка пул тушарди. Хуллас, уколсиз туролмайдиган бўлиб қолдим. Героинни томиримга юборгач, гўёки ўзимни дунёнинг энг лаззатидан татиб кўргандек ҳис қилар, хафагарчиликларни унутардим. 1 грами бир ярим суткага етарди. Героиннинг таъсири тугагач, мен алаҳсирардим, уйқусизлик қийнарди, бўлар-бўлмасга жаҳлим чиқиб, ҳаммани сўкардим. Наркотикнинг топилиши менга байрам эди. У қанчалик қиммат бўлмасин, сотиб олишга мажбур эдим... Энди эса афсусдаман, вақт-бевақт хумор хуруж қилади. Даволандим, қайтиб бу балонинг таъсирига тушишдан ўзимни асрасам, дейман!

Афсус-надомат аянчли туйғу.

### ХУЛОСА

Қайсидир донишманд айтган эди: "Инсон бахтли бўлиши керак, мабодо у бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдордир". Балки донишманд маълум маънода ҳақдир. Лекин инсоннинг бахтсизлиги ўзига эмас, ўзгаларга ва муҳитга ҳам боғлиқ бўлган ҳоллар учраши мумкин. Ўзининг маънавий ва жисмоний кучларига ортиқча талаблар қўядиган ўсмирни — мактаб ўқувчисини, талабани оғу домига тортаётганларни ким деб айтиш керак?

Ўсмирлар кўнгил очиш ва бир-бирлари билан мулоқотда бўлиш жараёнида наркотик сотувчилар ўз оғуларини пуллайдилар. Бутун фожиа ўсмирларнинг гиёҳвандлик ҳақида ҳеч нарса билмаслигидан ёки чала-чулпа билишидан бошланади. Шундай бир нозик пайтда ўзига раво кўрмаган оғуни ўзгаларга пуллаб, бойлик орттирувчи нусхаларга жазони фақат Оллоҳнинг ўзи берсин!

Шу ўринда бир эътироз туғилади. Наҳотки, мактабларда "аср вабоси" ҳақида йиғинлар, тадбирлар, кўргазмали воситаларни кўпроқ уюштириш мумкин бўлмаса? Наҳотки, ўқувчини огоҳ этишдан кўра уни жарга итариб юбориш осон ва жўн иш бўлса? Кўриб-туриб кўрмаганликка, билиб туриб билмаганликка олмаяпмизми?

Қадим-қадимдан боболаримиз руҳ ва тан покизалигига катта аҳамият беришган. Бугун ҳам маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш борасида Юртбошимиз бошчилигида давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Уларни ҳаётга татбиқ этишда барчамиз бир жону бир тан бўлиб курашмоғимиз, ҳа, айнан курашмоғимиз лозим. Бу ҳақда бугун қайғурмасак, ўйламасак, ташвиш чекмасак, чора изламасак, КЕЛАЖАК бизни кечирармикан?

Одамзот урушлардан устун келган. Табиий офатларни бартараф этган, бахтсиз тасодифларни енгган. Демак, у гиёҳвандликни ҳам бутун илдизлари билан қўпориб ташлашга қодир! Ва бунда ҳамма, жумладан ўқитувчи-мураббийлар ҳам ўз ўрнига эга бўлсин.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА**

*Таътил кунларида барча ёшларимиз белгиланган тартиб асосида ўзлари қизиққан музейларни томоша қилишлари, уларнинг фаолиятлари билан танишишлари мумкин.*

*Ким юртпарвар бўлса агар,*
*Унутмайди бани-башар.*



# ҲАЙИТ — ХУРСАНДЧИЛИК



**Байрамларнинг байрамларга уланганлиги яхши. Ҳар тунимизнинг қадр кечаси бўлишини, ҳар кунимизнинг байрам бўлишини истаймиз. Мана янги йил арафасида муборак рўзаи Рамазон ойи ҳам якунланди. Бу ой покланиш ва тозариш ойи, деб эътироф этилади. 30 кун давомида мўмину мусулмонлар емакдан тийилмоқ баробарида ёмон гапиришдан, ёмон ишлар қилишдан ҳам ўзларини тиймоқлари кўпгина китобларда зикр қилинган.**

**Моҳи Рамазон ниҳоясида ер юзидаги барча муслиму муслималар Ийд Рамазон ҳайитини катта шодиёналар билан нишонлайдилар. Бу байрамга ҳар бир хонадонда катта тайёргарлик кўрилади. Турли туман — бўғирсоқ, қуш тили, чакчаки каби ширинликлар пиширилади.**

**"Ийд Рамазон ҳайити қандай байрам, у қай тарзда нишонланади", деган саволга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлар идораси фатво бўлими бошлиғи Мустафоқул Қораевга мурожаат қилдик.**

**"Ҳайит байрами —хурсандчилик, меҳр-оқибат, саховат, мурувват байрами, — деди у киши. — Шу куни ер юзидаги барча мусулмонлар бу байрамни фақат хурсандчилик, қувонч билан нишонлашлари керак. Ҳар бир инсон шу куни бирорта тоза кийим кийиши, байрамдан олдин барча жойларни супуриб-сидириб тозалаши, ўзи ҳам ювинган-таранган ҳолда эрта туриб Ҳайит намозига бориши керак. Шу куни ҳар ким имкони етганча фақир-бечораларга, ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиши, яқинлари —ота-онаси, қариндош-уруғи ҳолидан хабар олиши, болаларини совға-саломлар билан сийлаши керак. Баъзилар бу байрамни азага айлантириб юборишади. Қабристонларга бориб мозорларни оёқ ости қилиб ташлайдилар. Бу бориб турган илмсизлик, жаҳолат. Кўз ёш ўрнига ўтган барча инсонлар руҳига атаб Қуръон тиловат қилиш ўринли бўлади.**

**Байрамни барча мусулмонлар фақат хурсандчилик билан нишонлаши даркор".**

## O'quvchilar ijodidan

### МУҲАББАТ

*Кимларнидир дарбадар этган*
*Мажнун каби,*
*Заҳри-заққум ютқизган*
*Кумуш мисли.*
*Неча аср ўтса ҳамки,*
*Навқирон,*
*Ҳар бир қалбда туғулажак*
*Ногаҳон.*
*Бу дардга ким чалинмаган,*
*Чекмас оҳ,*
*Менга навбат келибди-ку,*
*На гуноҳ.*

**Нодир ҚОДИРОВ,**
**ўқувчи**
**Нурота тумани**

### АЛП ОҒАМ БОР...

***Тоғам Эркин Кўчқоров хотирасига***

*Онажоним менга қараб*
*Мўлтирайди, кўнгли хароб.*
*Кўнглидагин менга очар,*
*Кўз ёшларин ерга сочар.*

*Алп оғам бор эди, дейди,*
*Алп тоғанг бор эди, дейди.*

*Элини у севар эди,*
*Ғанимлардан қўриқларди.*
*Эл-юртини хушнуд этиб,*
*Эл тинчлигин сақлар эди.*

*Алп оғам бор эди, дейди,*
*Алп тоғанг бор эди, дейди.*

*Ким юртпарвар бўлса агар,*
*Унутмайди бани-башар.*
*Ватан дея жон берганлар*
*Ҳеч ўлмайди, мангу яшар.*
*Алпомишдай оғам бор, дер,*
*Алпомишдай тоғанг бор, дер.*

**Зокир АЛИҚУЛОВ,**
**Деҳқонобод тумани М.Ҳасанова номли мактаб ўқувчиси**

## Xullas...

### МУШУК — ҚУТҚАРУВЧИ

Ярим тун, хонада тутун. Курварь исмли мушук эса бетоқат. Хўжайин тошдек "қотган". Шунда Курварь эгасининг бўйнига ташланиб, юз-кўзини тимдалай бошлади.

«Яримта»ни уйқу олдидан бўшатган хўжайин сигарета чекиб, секин қийшайди. Сигаретадаги чўғ аста-секин чойшабга, сўнгра кўрпачага ўтди. 67 ёшдаги чол кайфнинг зўридан буни сезмас эди. Бутун хона тутунга тўлиб кетганлигини нохуш ҳолат деб "англаган" Курварь эгасини бир амаллаб уйғотишга муваффақ бўлди..

Югур-югур... Қўшнилар ёрдамга чиқишди. Ёнғиннинг олдини олганлиги учун улар жониворга қандай миннатдорчилик изҳор этишни билмас эдилар.

### ЧЕКУВЧИ ҲАМ ГИЁҲВАНД

Королевск медицина билим юртининг олимлари таркибида никотин моддаси бўлган сигаретани ҳам кучли гиёҳвандлик воситаси деб ҳисоблашмоқда.

Дунё бўйича ҳар дақиқада чекишдан келадиган ўлим туфайли 8 киши оламдан кўз юммоқда, деб хабар беради Ruhet компанияси. Олимларнинг фикрига қараганда, бугун чекишга қарши қатъий чоралар кўрилмаса, 2030 йилга қадар бу ярамас одат қурбонлари 10 миллион кишига етади. Кўринадики, шундан 70 фоизи ўсиб келаётган авлодга тегишлидир.

### ЮК МАШИНАЛАРИГА РЕНТГЕН

Литва давлат ҳудудига таъқиқланган молларни олиб ўтувчи юк машиналари ўткир сигнализатор қаршисида ип эшолмай қолдилар. Бу қудратли рентген машинасидир.

Литва божхона ходимларининг мушкулини осон қилиш учун Германиядан келтирилган бу рентген қурилмаси автомобиль ва контейнерлардаги бекитиқча олиб ўтилаётган нарсадан огоҳ этади. Аэропорт божхонасида, айниқса, бу жуда қўл келади. Белгиланган масштабда анча катталикдаги чемоданлардан бир нечтасини рентген қурилмаси "қўлга" олди.

Машина контейнерларида таъқиқланган нарсалар бўлса, бекитишнинг ҳожати йўқ. Қурилма барибир ошкор этади.

Унинг нархи ҳам яхшигина: 400 минг доллар.

**ana shunaqa gaplar...**

## Sport maydonchasi

### САМБО МУСОБАҚАСИ

**Куни кеча пойтахтдаги "Динамо" спорт мажмуида самбо бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди. Ушбу беллашувда 9 вазн тоифасида спортчилар гиламга чиқишди. Умумий натижалар бўйича Самарқанд ва Тошкент шаҳри вакиллари биринчиликни, жиззахликлар эса иккинчи ўринларни эгаллашди.**

### ОММАВИЙ ЮГУРИШ БАЙРАМИ

**Яқинда Фарғонада кўпгина ташкилотлар ҳомийлигида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида оммавий югуриш байрами ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туманларидан қарийб 10000 нафардан ортиқ югурувчилар иштирок этишди. Ушбу ўтказилган мусобақа эндиликда анъанавий тарзда ҳар йили давом этади.**

### ХОТИРА ТУРНИРИ

**Андижонда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Обиджон Иноятхўжаев хотирасига бағишлаб юнон-рум кураши бўйича вилоят очиқ турнири ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон республикаларининг 160 нафар спортчилари иштирок этдилар.**

**Умумжамоа ҳисобида энг кўп очко жамғарган Андижондаги республика "Олимпия ўринбосарлари" билим юрти биринчи ўринни эгаллади.**

### ТЕННИС РЕЙТИНГИ

**Дунё теннисчиларининг аср ниҳоясида сўнгги бор эркаклар ва аёллар ўртасидаги жаҳон рейтинги эълон қилинди. Унга кўра, бразилиялик Густаво Куэртен Португалияда ўтказилган йилнинг энг сўнгги мусобақаси бўлмиш норасмий жаҳон чемпионати TENNIS MASTERS CUP турнирида россиялик М.Сафинни мағлубиятга учратиб, 15 очко фарқи билан (839-824) биринчиликни "илиб" кетди.**

**Аёллар ўртасида Мартина Хингис 6180 очко тўплаб, биринчиликни эгаллади.**

### ДЕМЕТРАДЗЕ "ДИНАМО"НИ ТАРК ЭТДИ

**Киевнинг "Динамо" жамоаси легионери грузиялик Георгий Деметрадзе Испаниянинг "Реал Сосьедад" жамоасига ўтадиган бўлди. Испанлар Деметрадзе учун 900 млн. песет (4,9 млн. доллар) тўлашган. Шартномага мувофиқ ҳужумчи эндиликда сан себастьянликлар таркибида 2004 йилгача ва яна қўшимча сифатида икки йил давомида (2006 йилгача) тўп сурадиган бўлди.**

## ҚИШКИ ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

**(Давоми.Боши 1-бетда)**

Шунингдек, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидан 80 нафаргача ўқувчи ёшлар келиши кутилмоқда. Улар билан 4 январдан 7 январга қадар саёҳат юришларини ташкил этамиз. Уларга, албатта, ҳар тарафлама етарли шароитларни яратиб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли, унумли ўтказишлари учун ҳозирдан тадорик бошлаганмиз. Умуман олганда, Янги йил базмида арча атрофида 500 нафардан ортиқ ўқувчи ёшларни тўплаб, катта базм ташкиллаштирамиз, деган ниятимиз бор.

Шунингдек, ишларимиз кўлами меҳмонларга фақат саёҳат уюштириш ва байрамга тайёргарлик бўлибгина қолмай, ушбу марказнинг дастурига асосан фаол дам олиш учун турли сайёҳлик юришлари ҳам ташкил қилинган. Жумладан, янги йилдан сўнг тўгарак иштирокчилари ўртасида "Сайёҳлик маҳорати қишки мусобақаси"ни ўтказиш ҳам мўлжалланган. Ушбу беллашув Бўстонлиқ тумани Қоранкўлсой мавзеидаги ёш ўлкашунослар тоғ-сайёҳлик кўнимгоҳида бўлиб ўтади. Асосан 4 кун давом этадиган мусобақада 80 нафар ўқувчилар иштирок этишади.

**Курбонниёз ПАНЖИЕВ — республика Маданият ишлари вазирлиги Фан, ўқув юртлари, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси бош мутахассиси:**

Куни кеча олинган маълумотларга қараганда, Янги йил байрамини жойларда муносиб тарзда ўтказиш ўтган йилга нисбатан икки баробар юқори даражада ўтмоқда. Шунингдек, 311 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари ва театрларда Президент арчаси, турли спектакллар, эртаклар, кичик-кичик концерт намойишлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу ўтказилаётган тадбирлар 10 январга қадар давом этади.

**Тоҳир ЗОИТОВ — Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғи:**

— Таътил кунлари давомида ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларга маънавий озуқа бериш учун жойларда турли уй-музейлари ишлаб турибди. Жумладан, Юнус Ражабий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мухтор Ашрафий, Абдулла Қаҳҳор каби кўплаб уй-музейлар ўқитувчиларга бепул хизмат кўрсатади. Айни пайтда бошқармамиз тасарруфида 17 та музей мавжуд. Таътил кунларида барча ёшларимиз белгиланган тартиб асосида ўзлари қизиққан музейларни томоша қилишлари, уларнинг фаолиятлари билан танишишлари мумкин.

**Беҳбуд БОТИРОВ**

## Quvnoq startlar

"Қувноқ стартлар" телемусобақасининг ҳар бир беллашуви қизғин ва муросасиз курашлар остида ўтаётганлиги гувоҳимиз. Навбатдаги XVIII республика "Қувноқ стартлар" телемусобақаси биринчи давра учрашувида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 64-ўрта мактабнинг "Қиёт" ва Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 1-ўрта мактабнинг "Омад" командаси аъзолари ўйин бошидан охиригача ғалаба иштиёқида ҳаракат қилишди. Дастурнинг биринчи беллашувида ("Аралаш эстафета") тўрт ўғил ва тўрт қиздан иборат ўқувчилар қатнашишди. Икки ўғил бола бири иккинчисини тескари ҳолатда кўтариб югуриб финиш чизиғидаги теннис коптогини старт чизиғида турган шерикларига отади. Иккинчи жуфтлик ҳам яна шеригини тескари ҳолатда кўтариб маррага югуради. Бу мусобақада 6 та пирамида орасидан чаққон ҳаракат қилган

### АҲИЛЛИК ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

"Қиёт" командаси аъзолари маррага биринчи бўлиб етиб келишиб, 3 очкони қўлга киритишди. "Омад" командаси эса 1 очко олди.

Иккинчи мусобақада ("Қутқарувчи тўп") командaнинг 10 ўғил ва 10 қизи тўпларни бир-бирларига аниқ ва чаққон ошириш, рақибнинг тўпни улар қўлидан юлиб олишга ҳаракат қилаётган ҳужумчисидан асраб қолишда маҳоратларини кўрсатишди. Бу беллашувда "Омад" командаси ғолиб чиқди ва ҳисоб тенглашди (4:4).

Дастурнинг еттинчи мусобақасида ("Чаққон болалар") ҳар икки команда аъзолари ҳам ўйин қоидаларини бузишди. "Омад" командаси маррага биринчи келганига қарамай, 1 очко беришга қарор қилинди, "Қиёт"га очко берилмади. "Ғалаба аҳилликда" беллашувида (Чамбаракдан ўтиб, умбалоқ ошиш ва икки томони очиқ қоп ичидан ўтиш) марра чизиғини биринчи кесиб ўтган "Омад" командаси 3 очко олди, "Қиёт"га эса 1 очко насиб этди.

Шундай қилиб, икки муносиб жамоа беллашувида 13:12 ҳисобида ғалаба қозонган Янгиариқ туманининг "Омад" командаси иккинчи давра мусобақасида қатнашадиган бўлди.

Биринчи давра телемусобақаси жамоаларига Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ғ.МАННОПОВ**


## AMERICAN COUNCILS

ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ БЎЙИЧА АМЕРИКА КЕНГАШЛАРИ

АСПРЯЛ▲АКСЕЛС

### Инглиз тили ўқитувчилари диққатига!

Агар Сиз

- **2001** йилнинг ёзида Вашингтон ва Нью–Йорк шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриш, америкалик ўқитувчилар билан учрашиш, инглиз тилингизни такомиллаштириш, компьютерда ишлашни мукаммал ўрганиш, АҚШ тўғрисида ва унинг ўқитиш методлари билан танишиш имкониятини берадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашишни;
- Синфингиз ва мактабингиз учун мукофот (компьютер, ксерокс машинаси, аудиомагнитофон, инглиз тили дарсликлари, кассеталар, луғатлар ва ҳоказо) ютиб олишни;
- Республикада энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни

истасангиз

у ҳолда АКСЕЛСнинг қуйидаги шаҳарларда жойлашган офисларидан анкета олиб, тезда тўлдиришингиз ва 2001 йил 15 январгача топширишингиз керак.

"Ўқитишдаги аълочилик мукофоти" дастури

АКСЕЛС, 700031, Тошкент ш., Конституция кўч., 68. Тел:(371) 152 12 81; 152 12 86

742000, Нукус ш., Сараев кўч. 1, 2-қават (361) 222-89-57, 222-88-67 accels@actrnuk.bcc.com.uz.

703000, Самарқанд ш., Университет кўч., 15, СамДУ, 11 хона (3662) 31–18–16, 31–22–08 accels@actrsam.bcc.com.uz.




705018, Бухоро ш., Эшоний Пир кўч., 2. (36522) 4-22-46 accels@bukhara.silg.org.

716000, Наманган ш., А. Хўжаев кўч., 54, Наманган Давлат Университети (36922)6–27–50 accels@actrnam.bcc.com.uz.

Дастурда қатнашиш шартлари:

- Инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлиш;
- Ҳозирги пайтда ўрта мактаб, лицей ёки гимназияда дарс бераётган бўлиш;
- Кейинги икки ўқув йили давомида мактабда ишлаш имкониятига эга бўлиш;
- Камида 3 йиллик ўқитиш тажрибасига эга бўлиш;
- Сўнгги беш йил ичида Америка Хукумати томонидан ҳомийлик қилинган дастурларда қатнашиб, АҚШда 1 ойдан кўпроқ яшаган бўлмаслик;
- Сўнгги 3 йил давомида ушбу дастурнинг 2-давра ғолиби бўлмаган бўлиши керак.

*Ушбу дастурга АҚШ Давлат Департаменти томонидан ҳомийлик қилинади ва у Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасининг маданият ва таълимот бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилади*


## QUTLOV



Ҳурматли ҳамкасбимиз
**Аҳмад ТОШЕВ!**

Сизни 29 декабрь 60 йиллик юбилейингиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Янги йилда (янги асрда) сизга янги ютуқ ва зафарлар, ишларингизда эса улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ҳар доим оилангиз ва шогирдларингиз бахтига соғ бўлинг.

**ЎзДЖТУ жамоаси.**

**Муҳтарам ҳамкасбимиз Галина ЭРГАШЕВА!**

Сизни қутлуғ 60 ёшга тўлишингиз билан самимий қутлаймиз. Умрингизни эл-юрт хизматига, республика мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич синфлар учун мутахассис кадрлар тайёрлашга бахшида қилиб келаётганлигингиз ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Бухоро педагогика билим юртининг тажрибали педагоги сифатида Сизни ҳамиша қадрлаймиз ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Бир гуруҳ ҳамкасбларингиз.**

**Ҳурматли устозимиз**
**Музаффар ТОШТЕМИРОВИЧ!**



Сизни ва Сиз орқали барча устозларимизни кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимиздан табриклаймиз! Мураббийлик ва ижодкорлик фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин. Барча эзгу ниятларингиз амалга ошаверсин. Доимо соғ-саломат бўлиб юринг.

**Қўшработ туманидаги 68-ўрта мактабнинг 1992 йилги битирувчилари**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси академик лицейлар қурилиши дирекциясининг директори Уразов Сейтимурат Қутлимурадовичга онаси

**Карима Айтбай қизи УРАЗОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ зиёлиларининг "Маърифат" газетаси жамоаси ЎзР Фанлар академиясининг академиги

**Иристой КЎЧҚОРТОЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Жамшид САЪДИНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-1117. Тиражи 18.686. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.30.